

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

Сайфуллаев Нодирбек Улуғбек ўғли

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада давлатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб улар томонидан ишлаб чиқилган ёки амалиётда қўлланилган стратегияларнинг мақсади ҳамда ушбу стратегиялардан самарали фойдаланган хорижий давлатлардан мисоллар келтирилган. Шунингдек, стратегик мақсад турлари ёки режалаштиришдан фарқли томонлари очиқ берилган.

Abstract. This article presents the purpose of strategies developed or implemented by states since their inception, as well as examples from foreign countries that have effectively used these strategies. The types of strategic goals or their differences from planning are also revealed.

Калит сўзлар: стратегик мақсад, тактик мақсад, операцион мақсад, аниқ тасаввур босқичи, аниқ ресурсларни яратиш босқичи, миқдорий мақсад, сифат мақсади, тактик мақсад.

Key concepts: strategic goal, tactical goal, operational goal, stage of clear vision, stage of creating specific resources, quantitative goal, quality goal, tactical goal.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда мамлакатлари ўзининг иқтисодий ва сиёсий йўлини келажакда қандай ижобий натижа бериши, ушбу танланган йўлдан мамлакатни ривожлантириш учун аввало нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, бажарилиши зарур бўлган ишларни режалаштириб, белгилаб олишлари муҳим чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Стратегик режалаштириш жараёни бир нечта таркибий қисмлардан иборат бўлиб, шундан энг муҳими стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш ва белгилаш жараёнидир. Стратегик мақсадлар стратегик муаммоларни келажакда ҳал қилиш воситаси сифатида майдонга чиқади. Мақсадлар эса режалаштирувчи нима учун ҳаракат қилиши кераклигини аниқлаб туради.

Чунки мақсадни аниқ ва тўғри белгилаш эришиладиган натижанинг гаровидир. Ҳозирда дунёда деярли барча мамлакатлар ўзларининг узоқ йиллик режа ва мақсадлари мавжуд.

Мақсадларни аниқлашдан олдин унинг стратегик, тактик ва операцион турларга бўлинади.

Стратегик мақсад – узоқ муддатли (2 йилдан ортиқ) бошқарув ва ижро хусусиятига эга бўлган кенг қамровли мақсаддир.

Тактик мақсад – ўрта муддатли (3 ойдан 2 йилгача), ўрта бошқарув даражасига эга бўлган махсус йўналтирилган мақсаддир.

Операцион мақсад – жамоа ва менежерлар томонидан *кундалик* вазифаларни ҳал қилиш учун белгиланган мақсаддир.

Бундан ташқари, мақсадлар эгилувчанлик, мослашувчанлик каби хусусиятларга ҳам эга бўлиши талаб қилинади. Шу сабабли ҳам СССРдаги директив мақсадлар ўзини оқламаган.

Кўплаб хорижий давлатлар стратегик мақсадларни шакллантиришнинг методологиясини ишлаб чиққан бўлиб, уларнинг кўпчилигида қуйидаги тўрт босқичда мақсадларни шакллантириш кераклигини келтиради:

Аниқ тасаввур босқичи – давлатнинг тегишли векторидан келиб чиқиб, мақсаддан исталган натижа нималигига жавоб изланади. Кейин шунга асосан стратегик, тактик ва операцион мақсадлар танланади;

Аниқ ресурсларни яратиш босқичи – стратегик мақсадга аниқ эришишни таъминлаш учун энг зарур ресурслар ажратилади. Бунда фақат моддий эмас, балки вақт, ходимлар, таъминот усуллари аниқланиши керак;

Мақсаднинг ҳисобдорлигини аниқлаш босқичи – бунда давлат томонидан мақсадларни белгилашда мақсад келажакда қай даражада бажарилганлигини ўлчовчи жиҳатларни аниқлаш, *жавобгарлик ҳисси* асос қилиб олинади;

Мақсадни кўриб чиқиш босқичи – мақсад қўйилганда уни ички ва ташқи омиллар асосида тез-тез қайта кўриб чиқиш ва зарур тузатишларни киритиб бориш;

Бугунги кунда ривожланган давлатнинг стратегик режалаштириш ҳужжатларида энг кўп ишлатилаётган мақсадлар SMART (*specific-measurable-attainable-relevant-time-bound*) бўлиб, аниқ, ўлчанадиган, эришиш мумкин, тегишли ва вақт билан боғлиқ талабларга жавоб берувчи мақсадлар сифатида амалиётда фаол равишда қўлланилмоқда.

Хорижий давлатларда стратегик мақсадларни шакллантириш механизмларини миллий қонунларидан кўриш мумкин. Жумладан, Қозоғистонда “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги қонунга асосан стратегик режалаштириш жараёни узлуксиз жараён эканлиги ва қуйидан юқорига тамойили асосида кечадиган жараён сифатида киритган ва бунда мақсадларни шакллантиришга тадқиқ этилиши имкониятини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, мақсадлар иерархияси моделлаштирилиши мумкин. Бунда “юқори”, “ўрта”, ва “қуйи” мақсад кўришида бўлади. “Мақсадлар дарахти” таҳлил усули ёрдамида асосий мақсадлар дарахтнинг “юқорисида”га қўйилади ва шу йўл билан саралаб олинади. Бунда асосий мақсад танлаб олинади ва бошқа мақсадлар, асосий мақсадни амалга оширишда восита ролини бажаради. Шу жараёнда “*мақсадларни шакллантириш алгоритми*” ва “*мақсадни танлаш алгоритми*” юзага чиқади.

Мақсадларни шакллантиришда муайян бир давлатнинг аниқ тажрибаси ва ҳаракат тарзини тўлиқлигича тадқиқ қилиш имконсиз бўлиб, сабаби ҳар бир мақсад ўша давлатнинг ички ва ташқи имкониятлари ҳамда ресурслари асосида, мақсад

шаклланаётган вақтдаги типик вазиятдан келиб белгиланади. Шу ҳолатнинг ўзи муайян тажрибани бошқа давлат томонидан тўлалигича кўчиришга йўл қўймайди. Ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг тажрибаларини умумлаштирган ҳолда мақсадларни шакллантириш ҳамда уни танлашнинг қуйидаги моделини таклиф қилиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, стратегик мақсадлар шахс, жамият, давлат, корхона ва ташкилотларнинг муваффақиятга эришиши учун жуда муҳимдир. Шу сабабли ҳам стратегик режалаштиришда мақсадларни белгилаш биринчи қадамдир. Мақсад тўғри бўлсагина қилинган ҳаракат самарали бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль кундаги ПФ-4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 5 та усувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

2. Сиёсий фанлар доктори Бахтиёр Омон. “Япония иқтисодиётининг мўжизалари” номли мақола. Нуробод тумани ҳокимлиги веб-сайти. 2019 й

3. Доминантлик (ўйинлар назарияси) //ru.wikipedia.org/wiki/Доминирование_(теория_игр).; 1944 йилда Жон Фон Нейман ва Моргенстерннинг “Ўйинлар назарияси ва хулқ-атвор” китоби асосида.